

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSC.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЛХАНОВ ПОЛАТБЕК ЖУМАБАЕВИЧ**

**МУРАККАБ ТИЗИМЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШДА**  
**ИНТЕРВАЛ-АНАЛИТИК УСУЛЛАР**

**05.01.07- Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2018**

УДК: 518.6+519.95

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on physical-mathematical sciences**

**Калханов Полатбек Жумабаевич**

Мураккаб тизимларни моделлаштиришда интервал-аналитик усуллар.....3

**Калханов Полатбек Жумабаевич**

Интервально-аналитические методы при моделировании сложных систем.....17

**Kalkhanov Polatbek Jumabaevich**

Interval-analytic methods of modelling complex system.....31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....34

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSC.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЛХАНОВ ПОЛАТБЕК ЖУМАБАЕВИЧ**

**МУРАККАБ ТИЗИМЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШДА**  
**ИНТЕРВАЛ-АНАЛИТИК УСУЛЛАР**

**05.01.07- Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2018**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.1.PhD/FM172 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ik-fizmat.nuu.uz](http://www.ik-fizmat.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юлдашев Зиявидин Хабибович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хўжаёров Бахтиёр**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Хўжаев Исматулла Кушаевич**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етақчи ташкилот:**

**Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz).)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил 22-майдаги 3 рақамли реестр баённомаси).

**А.Р.Марахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**З.Р.Раҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

**М.Арипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, аксарият ҳолларда, аниқмас параметрли масалаларни ечиш ва ечимларнинг хоссаларини ўрганиш, ораликни рационал интерваллаш усуллари ва интервал анализ масалаларига келтирилади. Тебраниши чекланган аниқмас параметрли жараёнлар ва уларнинг ночизиқли математик моделлари, амалий математика, ҳисоблаш математикаси, математик моделлаштириш ва объектга йўналтирилган дастурлаш каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Интервал анализ усуллари детерминанланмаган, аммо тебраниши чекланган параметрларга эга экология ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларининг ечимларини муайян ораликларда аниқлашда асос сифатида хизмат қилади. Шу сабабли, экология, ишлаб чиқариш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини интервал-аналитик таҳлил қилиш ва интервал анализ усулларида фойдаланиб сонли ечиш алгоритмлари ва амалий дастурлар мажмуасини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда аниқмас параметрли масалаларни ечишда эҳтимолли-статистик моделлаштириш, норавшан тўпламлар назарияси ва интервал анализ усуллари ёрдамида ҳисоблашларни амалга ошириш амалий математиканинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолда тебраниш чегаралари чекли бўлган ва интервалларда ифодаланган аниқмас қийматлар билан ҳисоблашларни интервал анализ усуллари воситасида амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада жараёнларнинг хоссаларини адекват ифода қилиш хоссасига эга интервал-аналитик моделларни қуриш ва кенг доирадаги фойдаланувчиларга мўлжалланган қўлай интерфейсга эга дастурлар мажмуасини яратиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган амалий математиканинг долзарб йўналишларига эътибор кўчайтирилди. Жумладан, аниқмас параметрларга эга масалаларда бундай параметрларни идентификациялаш, мантиқий-динамик тизимларни тадқиқ қилиш, интервал анализ усулларида ва динамик хоссаларни инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматик равишда бошқаришнинг интервал параметрли тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Интервал анализ муаммоларини тадқиқ қилиш ва долзарб назарий ҳамда амалий масалаларни ечишда республика ва чет элдаги мутахассислар томонидан долзарблиги эътироф этилган натижалар олинди. “Амалий математика ва математик моделлаштириш” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ушбу қарор ижросини таъминлашда интервал аниқмас параметрли интервал анализ усулларига асосланган математик моделлаштириш назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Р.Э. Мур, Г. Алефельд, Ю.Херцбергер ва Ю.И. Шокин интервал анализнинг асосларини ёритиш ва муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган монографияларни муаллифлари бўлган. Муайян самарали интервал алгоритмларни яратишга муваффақ бўлган эътиборга лойиқ тадқиқотлар К. Никель, Н. Апостолатос, У. Кулиш, Р. Кравчук, Г. Майер ва А. Ноймайерларни ишларида ёритилган. Интервал алгоритмларни дастурий таъминотини муаллифлари сифатида жумладан, мазкур диссертацияда кўрсатилган масалаларга доир дастурий таъминотни муаллифлари қаторига А. Гибб интервал арифметика процедураларини яратган ва расмий гувоҳнома эгаси сифатида йўналишнинг дастурий таъминот яратиш бўйича илк мутахассиси сифатида тан олинган.

Қатор интервал арифметикаларни яратувчилари ва мос дастурларни муаллифлари сифатида Е. Хансен, С.М. Марков, Т. Сендов, Г. Крист, Э.Каухер, В.М. Кахан ва П.С.Панков каби олимлар интервал анализ бўйича дастурий таъминот асосларини яратишга муваффақ бўлишган. М.Файзуллаев ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласини ечимини бонитет тушунчасига таянган ҳолда ҳақиқий параметрли моделини ва мос алгоритминини таклиф қилган.

Р.Р. Белоскурский ишларида иқтисодий масалалар қаторида аниқмас берилганлар ҳолатида экология масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбекистонда интервал анализ назарияси ва амалиёти бўйича З.Х.Юлдашев, Р.Х. Хамдамов, Ш.А. Назиров, Н.Р. Юсупбеков, Ш.М.Гулямов, М.Б. Базаров, А.А. Абдукадыров, А.А. Ибрагимов ва У.Шариповлар илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг «Амалий математика масалаларини ечишнинг алгоритмлари ва дастурий таъминоти» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** интервал анализ усуллари асосида экология ва ер ресурсларидан фойдаланишнинг математик моделларини такомиллаштириш ва амалий дастурлар пакетини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

чекланган амплитудали тебранишга эга параметрларни рационал интерваллаш тамойили асосида экология ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласини сонли ечиш;

математик модел доирасида аниқмас параметрлар оралиғини самарали танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

ечим интерваллари учун тегишлилик хоссаси ёрдамида интервал ечимни кенглиги баҳосини топиш;

интервал анализ усуллари асосида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласини сонли ечиш алгоритминини ишлаб чиқиш ва онлайн режимда ишлайдиган дастурни яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** тебраниши чекланган аниқмас параметрли жараёнлар, интервал-аналитик моделлар, алгоритмлар ва объектга йўналтирилган дастурий воситалардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** аниқмас параметрларни интерваллаштириш хоссасига эга тизимларни интервал моделларини синтез қилиш ҳамда мос алгоритмик ва дастурий таъминотни яратиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида математик моделлаштириш, интервал анализ ва объектга йўналтирилган дастурлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

экология ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг амалий масалаларини ечишда тебраниши чекланган амплитудали параметрлар катталиклари оралиғини рационал танлаш масаласи ечилган;

математик моделни синтез қилишда чекли тўпладан моҳиятига кўра мос аниқмас параметрларни интервал шаклда танлаш самарадорлиги асосланган;

объектга йўналтирилган дастурлаш технологияси асосида синф кўринишида интервал алгоритмлар қурилган;

интервал қийматли функциялар асосида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш алгоритмлари ишлаб чиқилган ва мобил дастурий таъминот яратилган;

тегишлилик хоссаси асосида интервал ечимларнинг кенглиги баҳоланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** мос интервал ечимлар учун тегишлилик хоссасига таянган ҳолда, олинган интервал ечимни кенглиги

баҳоси олинган, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экология масалаларини сонли ечишда қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Амалий математика, сонли усуллар, интервал анализ ва хатоликлар назарияси усулларида фойдаланилганлиги, қоникарли информативлик шартини қаноатлантирувчилик хоссаси, мос интервалга тегишлилик теоремаси ва интервал ечимнинг кенглигини баҳолаш билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интервал анализ усулларида фойдаланиб баланс тенгламаларини самарадорлиги шартлари ўрнатилганлиги ҳамда олинган ечимлар учун интервалга тегишлилик теоремалари исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интервал анализ усуллари ёрдамида ҳисоблаш математикаси масалаларини ечиш ва экология масалаларини сонли тадқиқ қилиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мураккаб тизимларни моделлаштиришда интервал-аналитик усулларга оид олинган илмий натижалар асосида:

интервал қийматли функциялар асосида олинган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш алгоритмлари ва дастурий воситалари Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида экин турига кўра ер майдонларига табиий ресурсларни самарали тақсимлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармасининг 2018 йил 20 апрелдаги 316-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг электрон технологик харитасини яратиш имконини берган;

интервал анализга асосланган сонли ечиш алгоритми А-5-44-рақамли «Колмогоров-Фишер типидagi ночизикли биологик популяция системаларини сонли моделлаштириш» амалий грант лойиҳасида Колмогоров-Фишер типидagi ночизикли биологик популяция системаларининг сифат хоссаларини аниқлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 майдаги 89-03-1649-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Колмогоров-Фишер типидagi ночизикли биологик популяция масаласини сонли ечиш ва ечимларни визуаллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 12 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.



**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 3 та иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 90 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши асосланган. Диссертация мавзуси бўйича чет элдаги илмий тадқиқотларнинг қисқача маълумоти ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари шакллантирилган, унинг объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгиликлари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг қўлланилиши, диссертация тузилиши ва нашр қилинган илмий ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодиёт моделларини интервал вариантини синтез ва анализ қилишда параметрларни рационал интерваллаш тамойили»** деб номланган биринчи бобида мураккаб тизимлар моделларини интервал вариантини синтез ва анализ қилишда параметрларни рационал интерваллаш тамойили асослаб берилган.

§1.1 да аниқмас параметрларнинг тебраниши чекланганлиги шarti остида иқтисодиёт масалаларини тадқиқ қилишда интервал вариантдаги математик моделларни яратиш аҳамиятлилиги ва зарурлиги асосланган. Аниқмас параметрлар мавжуд бўлган ҳолида муайян усулни танлаш аниқмасликнинг моҳиятига боғлиқлиги алоҳида таъкидланган. Ўз навбатида интервал аниқмас параметрлар мавжуд бўлганида интервал усулларни иқтисодиёт масалаларига тадбиқ қилишда бошқа усуллар билан қиёсий таҳлил амалга оширилган.

Интервал анализ деб номланувчи мос интервал ҳисоблашлар ва интервал объектларни киритиш мантиқан асосланган. Шу муносабат билан параметрларни интервал аниқмасликларига эга иқтисодиёт масалаларини тадқиқ қилишда интервал анализ усулларини қўллаш бўйича мавжуд манбалар таққосланган.

§1.2 да муайян масалаларни ечиш учун интервал усуллардан фойдаланиб, аниқмас параметрларни рационал интерваллаш тамойили баён қилинган. Жумладан, натурал типдаги барча параметрлар объектларни аниқ тафсилоти ва аниқ ўлчаниши мумкин бўлган белгилар интервал бўлмаган деб ҳисобланадиган, зеро “кенгайиб кетиш эффекти”ни бартараф этиш имкони яратилади. Шундай қилиб, параметрларни рационал интерваллаштириш тамойили қуйидаги маънога эга: ҳақиқий жараёнларни математик моделлаштириш синтезида, бартараф этилмайдиган хатоликка эга параметрлар тебранишнинг амплитудаси чекланган бўлса интервал параметр деб ҳисобланади.

Биринчи бобнинг §1.3 да Леонтьевни ҳақиқий тармоқлараро баланс модели параметрларни рационал интерваллаштирилиши тамойилига мос интервал варианты яратилган.

Аниқроғи бу ерда статик тармоқлараро баланс модели ҳақиқий ва интервал ёндашувларда қаралган.

$[T_0, T]$  давридаги ишлаб чиқаришни режалаштиришда юзага келадиган асосий масала куйидагича ифодаланади: муайян истеъмол вектори  $c$  учун номаълум  $x$  пировард маҳсулот миқдори векторини аниқлаш талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, муайян  $c$  вектор ва  $A$  тармоқлараро боғлиқлик матрицаси билан ифодаланган

$$x - Ax = c, \quad (1)$$

тенгламалар системасини ечиш талаб этилади.

У ҳолда  $j$  соҳани ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган  $a_{ij}$ -соҳанинг маҳсулот ҳажмини ифодалайдиган  $a_{ij}$  барча миқдорларини ёки интервал ораликда берилган масаланинг бир қисмини ҳисобга олган ҳолда (1) масаланинг ечими куйидаги тўпламларни топиш масаласига келтирилади

$$\tilde{X} = \{x = (x_1, x_2, \dots, x_n) \mid x - Ax = c, A \in \mathbf{A}, c \in \mathbf{c}\}. \quad (2)$$

(2) формулага мос  $\tilde{X}$  векторлар тўпамини топиш масаласини Леонтьев моделини интервал варианты деб атаймиз. Бу ерда ва авторефератнинг барча қисмларида “ж” форматидаги ёзилган миқдорлар интервал турдаги катталиқлар ҳисобланади.

§1.4 да келтирилган интервал баланс тенгламаларининг самарадорлиги масаласи қаралган ва куйидаги теорема исботланган.

*1 Теорема.* Леонтьевнинг (2) кўринишдаги интервал модели самарадорли бўлиши учун,  $A$  интервал матрицаси спектрал радиуси бир билан чекланган бўлиши етарли:

$$\left| \lambda_{\max_{A \in \mathbf{A}}} \right| < 1. \quad (3)$$

Диссертациянинг «**Бошланғич қийматларни интерваллашда экологик-иқтисодий масалаларни тадқиқ қилиш**» деб номланувчи иккинчи боби экологик хавфларни башорат қилиш моделларини интервал варианты, атроф муҳитни ифлосланганлиги учун жарималар тайинлаш ва хўжалик юритувчи тармоқлар бўйича инвестицияларни тақсимлаш масалаларини тадқиқ ва таҳлил қилишга бағишланган.

§2.1 да биржинсли экотоксикант ҳажми интервал аниқмасликка эга бўлганида, экологик офатни башорат қилиш учун интервал мантиқий динамик модел қурилган, атроф-муҳит параметрларини апостериор (ёки “амалиётдан сунг”) баҳолашни икки томонлама чеклашга асосланган ёндашуви таклиф этилган.

Кўйидаги шаклдаги оптимал интервал мантиқий-динамик модел қаралган:

$$\frac{d\mathbf{x}}{dt} = -k[\mathbf{x}^2 + (\mathbf{y}_0 - \mathbf{q})\mathbf{x}] + \frac{\alpha\beta}{V}, \quad (4)$$

$$\mathbf{x}(0) = \mathbf{x}_0, \quad (5)$$

$$\mathbf{q} = \sum_{i=1}^n L_i^q \mathbf{q}_i \left( \sum_{j \in S \setminus L} L_j^\varphi \varphi_i(\mathbf{p}(t)), \sum_{j \in L} L_j^\varphi \varphi_i(\mathbf{p}(t)), L_i^j t \right), \quad (6)$$

$$Q = \left| \int_0^T \mathbf{u} \left( \mathbf{x}(t), \sum_{j \in L} L_j^\varphi \varphi_i(\mathbf{p}(t)), t \right) dt \right| \rightarrow \min. \quad (7)$$

Коши интервал масаласини ечиш учун

$$\mathbf{x}' = -k[\mathbf{x}^2 + (\mathbf{y}_0 - \mathbf{q})\mathbf{x}] + \frac{\alpha\beta}{V}, \quad (8)$$

$$x(t_0) \in \mathbf{x}_0, \quad (9)$$

Ошкор Рунге-Кутта усулини интервал варианты деб аталувчи бошланғич қиймати интервал шаклда берилган  $s$ -тартибли усулини қўллаш мумкин, буерда  $\mathbf{x}_0$  – муайян интервал.

Ошкор Рунге-Кутта усулини тенгламалар системасига тадбиқ этиш “кенгайиб кетиш эффекти”га бардошсиз ва одатда параметрлар сони ошиши билан тадбиқ этилмайди. Зеро, турғунлик соҳаси чекланганлиги амалиётда кузатилади. Бизни ҳолимизда тавсифловчи тенгламалар сони иккига тенг:

атроф-муҳитга ажралиб чиққан зарарли моддалар интервал маънода аниқмас ва муҳитнинг софлиги кўрсаткичи бошқариладиган экологик тадбирлар билан чекланган. Бу чораларни самарадорлиги мос сармояларни ҳажмига боғлиқ.

Фараз қилайлик, ихтиёрий  $x(t_0) \in \mathbf{x}_0$  учун мос Коши масаласининг ечими мавжуд ва ягона.

У ҳолда  $\Delta_t = [t_0, c]$  кесмаларида  $\mathbf{x}(t_j) = \mathbf{x}_j$  интерваллар қўйидаги

$$x(t_j) \in \mathbf{x}_j, t_j = t_0 + jh, h = (c - t_0)/n, (j = \overline{1, n}), \quad (10)$$

шартни қаноатлантирувчи интервалларини аниқлаш учун яримошкор Рунге-Кутта формулларида фойдаланиш мумкин.

Ҳақиқий ва интервал маънодаги Коши масалалари хатолик функцияси чекли айирмалар воситасида аппроксимацияланса мос ноаниқликлар минималлашади. Бу ҳолда қуйидаги теорема ўринли:

*2 Теорема.* Чекли айирмали усулларни қандайдир интервал аналоги ёрдамида ҳисобланган  $\mathbf{x}_j$  интерваллар учун қуйидаги тегишлилик хоссаси

$$x(t_j) \in \mathbf{x}_j, t_j = t_0 + jh, h = (c - t_0)/n, (j = \overline{1, n}), \quad (11)$$

ва интервал ечимни кенглиги баҳоси учун

$$\omega(\mathbf{x}_j) \leq \tilde{a}\omega(\mathbf{x}_0) + \tilde{b}h^s, \quad (12)$$

тенгсизлик бажарилади. Бу ерда  $\tilde{a}$ ,  $\tilde{b}$  ўзгармасларни интеграллаш қадами  $h$ -га боғлиқ эмас.

§2.2 да сармояларни хўжалик юритувчи соҳалар орасида сармоя миқдори интервал маънодаги аниқмасликка эга бўлганда, тақсимлаш масаласини тадқиқ қилишга бағишланган.

Мос интервал маънодаги оптималлаштириш модели қуйидаги шаклда ифодаланиши мумкин:

$$f_i(0) = 0, \quad (13)$$

$$\mathbf{x}_i = \sum_{j=1}^{k_i} \mathbf{x}_{ij}, \quad (14)$$

$$T = \sum_{j=1}^{k_i} T_i^j, \quad (15)$$


$$\frac{\varphi_i \left| \mathbf{f}_i(\mathbf{x}_i) \right|}{\varphi_1 \left| \mathbf{f}_1(\mathbf{x}_i) \right|} = \lambda_i \quad (i = 2, 3, \dots, n), \quad (16)$$

$$F(\bar{\mathbf{x}}, \bar{\boldsymbol{\varphi}}) = \sum_{i=1}^n \left| \mathbf{f}_i(\mathbf{x}_i) \theta_i \sum_{j=1}^{k_i} L_j \varphi_{ij}(\mathbf{x}_{ij}, t) \right| \rightarrow \max. \quad (17)$$

Ушбу моделлардаги параметрлар интервал аниқмасликларга эга бўлган ҳоли учун, Кравчик усули ва IMOD алгоритмига биноан синов-тажриба қўламида синалган ва бу жараёнда ихтиёрий ҳақиқий ечим интервал ечимга тегишлилиги аниқланган. Ўз вақтида интервал ечимнинг кенглигига олинган априор баҳолашлар назарияга мувофиқлиги кўзатишган.

Диссертациянинг **«Кенг доирадаги фойдаланувчиларга мўлжалланган интервал алгоритмларни қўллаш учун дастурий таъминот»** деб номланувчи учинчи бобида кенг доирадаги фойдаланувчилар учун интервал алгоритмларни қўлланилиши бўйича дастурий таъминот баён этилган. §3.1 да интервал алгоритмларни дастурий вариантини яратиш муаммолари тадқиқ қилинган ва мос модулар объектга йўналтирилган тамойил асосида яратилган. §3.2 да “хайрихоҳлик тамойили” асосида яратилган интервал алгоритмлар пакетининг функционал имкониятлари ва тузилиши ёритилган. Бу ерда “хайрихоҳлик тамойили” кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг интервал анализ асослари билан танишиш зарурати мос аналитик алмаштиришларни бажариш қўламидан холос қилишни англатади. Бунда икки интервал алгоритмлар пакети тавсифланган. Биринчи пакет алгебраик ифода шаклида берилиши мумкин бўлган турли вариантдаги мос интервал арифметикалар доирасида ифодаларни қийматини ҳисоблаш масаласига бағишланган. Бу пакет объектга йўналтирилган тамойил асосида синф шаклида яратилган бўлиб интервал арифметикаларнинг мос ижросини “қайта юклаш” механизми асосида қўлланилишини таъминлайди.

Дўстлик тамойили асосида қўлланилган интервал алгоритмлар пакетини функционал имкониятлари ва тузилиши баён этилиб, икки пакет кўринишида ёритилган. Биринчиси мумкин бўлган алгебраик ифодалар интервал арифметикаси турли вариантларда ҳисоблашга мўлжалланган. Бунда дастурлашнинг объектга йўналтирилган тамойиллари асосида ва интервал арифметиканинг тўртта вариантыга мос операцияларни юклашга йўл берувчи интервал алгоритмлардан синф кўринишида фойдаланишган. Иккинчи пакет кенг доирадаги фойдалаувчилар учун мўлжалланган модуллар мажмуасини ўз ичига олади. Бу бобда интервал аниқмас параметрли шартларда сонли усулларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилиниб, пакетни интерфейси баён қилинган, унинг модулларини қўлланилиши мисоллар ва таклиф этилаётган алгоритмлардан фойдаланилган сонли экспериментлар натижалари атрофлича таҳлил қилинган (1-расм).



1-расм. Интервал арифметика вариантыни танлаш.

1-расмда муайян масалани ечиш учун зарур бўлган интервал арифметикани қайта юклаш механизми асосида белгилашга доир пакетнинг мос интерфейси ифодаланган.

Иккинчи пакет кенг доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган дастурлаш мажмуаси бўлиб мос алгоритмларни синаш учун синов-тажрибаларни дастурий мажмуаси сифатида қаралиши мумкин. Бу бобнинг иккинчи параграфида аниқмас параметрларнинг интервал шаклида назарда тутилиб кенг кўламдаги тажриба-синовларини амалга оширишга доир намуналар берилган. Жумладан, интервал шаклдаги натижаларни мазмунли изоҳлашга доир мисоллар келтирилган.

§3.3 да экин майдонлари ва мос ресурсларни тақсимлаш масаласи интервал анализ усуллари билан тадқиқ қилинган.

Бу ерда математик моделлаштириш усули билан қишлоқ хўжалигида фаолият олиб борувчи шахснинг олдида намоён бўладиган муаммолар интервал анализ доирасида таҳлили қилинган. Жумладан, ишлаб чиқилган

интервал мукаммаллаштириш модели доирасида экин майдонларини махсулот бўйича таркибини ва уларга сув ва биржинсли ўғитлар миқдори интервал аниқмасликдаги катталиклар бўлиши мумкинлиги фараз қилиниб, уларни экин майдонларига ресурс сифатида тақсимланиши алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда тегишли дастурий таъминот яратилган.

Мос интервал мукаммаллаштириш модели қуйидаги шаклга келтирилган.

$$Q(\bar{S}, \bar{W}, \bar{C}) = \sum_{j=1}^n (s_j f_j(s_j, w_j, c_j) q_j - (c c_j + w w_j + r_j) s_j) \rightarrow \max, \quad (18)$$

$$\sum_{j=1}^n s_j \subseteq \bar{S}, \quad (19)$$

$$\sum_{j=1}^n w_j \subseteq \bar{W}, \quad (20)$$


$$\sum_{j=1}^n c_j \subseteq \bar{C}. \quad (21)$$

Келтирилган моделдаги барча интервал катталиклар амалиётдаги мазмунли талқинига эга. Масалан, (19) муносабат жами экин майдонларининг қуйи ва юқори чегараларини уларнинг бонитетини инобатга олган ҳолда қуйи ва юқори чегараларини белгиланиши мумкинлигини ифодалайди.

Ўтказилган синов-тажриба ҳисоблашларидан намуна сифатида атроф-муҳитни муҳофазалаш масаласини интервал усуллар билан ечишга доир 3-расмдаги шаклларни келтириш мумкин. Бу ерда қизил чизиқ муҳитдаги офат даражасини миқдор жиҳатдан белгилайди муҳитдаги экотоксикантнинг қуйи ва юқори чегаралари интервал тасмада ифодаланган.

Решение задачи прогнозирования экологических катастроф интервальным методом	
x[1]=[0.0000000001; 0.0000000001]	y[1]=[0.0938640856; 0.4224342223]
x[2]=[0.1170000001; 0.1230000001]	y[2]=[0.1697875810; 0.5420550431]
x[3]=[0.2340000001; 0.2460000001]	y[3]=[0.2233650583; 0.6577312706]
x[4]=[0.3510000001; 0.3690000001]	y[4]=[0.2506752492; 0.7701459602]
x[5]=[0.4680000001; 0.4920000001]	y[5]=[0.2527870125; 0.8811467010]
x[6]=[0.5850000001; 0.6150000001]	y[6]=[0.2527870125; 0.8811467010]
x[7]=[0.7020000001; 0.7380000001]	y[7]=[0.2527870125; 0.8811467010]
x[8]=[0.8190000001; 0.8610000001]	y[8]=[0.2527870125; 0.8811467010]
x[9]=[0.9360000001; 0.9840000001]	y[9]=[0.2527870125; 0.8811467010]

2 –расм. Экологик хавфларни башорат қилишда интервал усулларни тадбиқ қилиш.



3-расм. Экоотоксикантни муҳитни мувозанатдан чиқарувчи факторлар мавжудлигидаги тарқалиш динамикаси.

## ХУЛОСА

Диссертация иши аниқмас параметрлар тебраниши чекланганлиги шароитида экология, иқтисодиёт ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини интервал-аналитик усуллар билан тадқиқ қилишга бағишланган ва мантиқий боғланувчи яқунланган тадқиқотдир. Диссертацияда амалиётда муҳим бўлган аниқмас параметрларни интерваллаштириш умумий услуби таклиф этилган ва асосланган. Тадқиқ қилинган масалаларни ечишда интервал анализ усуллари тадқиқ қилиш корректлиги мос тегишли теоремаларни ўрнатиш билан асосланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат.

1. экология, иқтисодиёт ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишга доир масалаларда параметрлар интервал аниқмасликка эга бўлган ҳолати учун уларни тавсифловчи муайян математик моделларни синтез ва тадқиқ қилиш услубиёти яратилган.

2. Леонтьев интервал моделини самаралилигини ўрнатиш учун етарли шарт ўрнатилган, мос теорема исботланган.

3. илк бор интервал усуллар билан сармоялаштириш масаласи тадқиқ қилинган ва мос жараёни тавсифловчи оптимал ечим қуриш алгоритми таклиф этилган;

4. интервал усуллар билан атроф муҳитга ажратиб чиқарилган экоотоксикант миқдорини ўзгариши яъни консерватив экотизимнинг мувозанати шартлари ўрганилган;

5. интервал дастурлар мажмуасини яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган ва интервал арифметикаларнинг кўп вариантлилиги шартида муайян дастурлар яратилган;

6. муайян масалаларни интервал вариантда ечиш учун мос дастурий таъминот яратилган: кенг доирадаги фойдаланувчилар учун интервал анализ асосларини ўрганишни талаб қилмайдиган икки амалий дастурлар пакетига интеллектуал мулк агентлигидан патентлар олинган.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM.01.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**КАЛХАНОВ ПОЛАТБЕК ЖУМАБАЕВИЧ**

**ИНТЕРВАЛЬНО-АНАЛИТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ПРИ  
МОДЕЛИРОВАНИИ СЛОЖНЫХ СИСТЕМ**

**05.01.07- Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/FM172.**

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ik-fizmat.nuu.uz>) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Юлдашев Зиявидин Хабибович**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Хужаёров Бахтиёр**  
доктор физико-математических наук, профессор  
**Хужаев Исматулла Кушаевич**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** **Термезский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM.01.02 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №\_\_\_). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол рассылки №3 от 22 мая 2018 года).

**А.Р.Марахимов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

**З.Р.Рахмонов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

**М.Арипов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и востребованность диссертации.** Анализ мирового опыта приводят к заключению о том, что во многих случаях проблема учёта недетерминированных параметров приводят к необходимости решение задач с недетерминированными параметрами изучению и развитию методов их рациональной интервализации и решению соответствующих задач интервального анализа. Нелинейные процессы математического моделирования с ограниченным колебанием недетерминированных данных, являются объектом прикладной математики, вычислительной математики, математического моделирования и объектно-ориентированного программирования. Методы интервального анализа используется для определения интервалов, которые включают недетерминированные, но ограниченные по амплитуде колебания параметры задач экологии и оптимального землепользования. Поэтому изучение задач экологии, производства, задач оптимального использования земельных ресурсов на основе интервально-аналитических методов, с целью построения алгоритмов численного решения и создания комплексов прикладных программ является одно из важнейших задач.

Мировой опыт показывает что, при решении задач с недетерминированными параметрами, вероятностно-статистические методы моделирования, методы теории нечетких множеств, вычисления в рамках интервального анализа, являются актуальными задачами прикладной математики. В этом случае, особое значение приобретают методы интервального анализа, как средство исчисления интервалов, включающих в себя недетерминированные параметры с ограниченной амплитудой колебания. В этой связи актуальной является задача построения адекватной интервально-аналитической модели, а также задача создания соответствующего комплекса программ, ориентированного на широкого круга пользователей, имеющего удобный интерфейс.

В нашей стране усилено внимание научным направлениям прикладной математики, которые имеют важное научное и прикладное значение для фундаментальных наук. Широкое применение интервальные методы нашли в задачах идентификации параметров, в разработке логико-динамических систем, в решении задач с учётом динамических свойств и построении интервальных систем автоматического управления производственных процессов. Здесь получены результаты по решению задач теории и практики интервального анализа признанные, как актуальные, со стороны отечественных и зарубежных специалистов. Проведение научных исследований на международном уровне по важным направлениям «прикладной математики и математического моделирования» выделено как основная задача фундаментальных исследований<sup>2</sup>. Важное значение для

---

<sup>2</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений академии наук Республики Узбекистан» от 18 мая 207 года.

обеспечения исполнения данного постановления имеет развитие теории математического моделирования и развитие интервально-аналитических методов исследования процессов с недетерминированными параметрами.

Данная диссертация, в определенной степени нацелена на решение задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №-ПП-916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» от 15 июля 2008 года, №-ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, №УП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» и №-УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 8 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

**Степень изученности проблемы.** Р.Э. Мур, Г. Алефельд, Ю.Херцбергер и Ю.И. Шокин были авторами монографии для освещения основ интервального анализа. В работах К. Никелья, Н. Апостолатоса, У.Кулиша, Р. Кравчука, Г. Майера и А. Ноймайера авторитетными исследованиями были созданы определёнными продуктивными алгоритмами. К авторам программного обеспечения по интервальному анализу, в частности к автору программного обеспечения задач, указанных в данной диссертационной работе можно отнести А. Гибба, который является первым специалистом данной области, разработавший программное обеспечение интервальных арифметических процедур и имеющий соответствующее официальное свидетельство.

